

658.01(043.3)

21

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма хуқуқида
УДК: 338.24 + 658.114 (575.1)

САИДОВ МАШҲАЛ САМАДОВИЧ

ТАБИИЙ МОНОПОЛИЯЛАР СОҲЛАРИДА МЕНЕЖМЕНТНИНГ
ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ
(«Ўзбекэнерго» Давлат акционерлик компанияси мисолида)

08.00.13 – «Менежмент ва маркетинг»

Иқтисод фанлари номзоди
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2009

658.01(043.3)

321

Диссертация Тошкент архитектура - курилиш институти «Иқтисодиёт»
кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар:

иктисод фанлари доктори, профессор
Зайнутдинов Шавкат Нуритдинович

Расмий оппонентлар:

иктисод фанлари доктори, профессор
Рахимова Дильфузা Нигматовна

иктисод фанлари номзоди, доцент
Нурилдинова Адиба Газиевна

Етакчи ташкилот:

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети


Химоя 2009 йил «6 шарт соат 9:00 да Тошкент давлат
иктисодиёт университети хузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий
даражасини олиш учун диссертациялар химояси бўйича Д 067.06.01 ракамли
Ихтисослашган кенгашнинг мажлисида бўлади.

Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49-үй

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети
кутубхонасида танишиш мумкин

Автореферат 2009 йил «5 сребро да тарқатилди

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, иқтисод
фанлари доктори, профессор



Б.Беркинов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Замонавий иқтисодий тизимнинг мувозанатлашган барқарор ривожланишида инфратузилма соҳалари мухим роль ўйнаиди. Улар ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳаси, истеъмолчилар ҳамда алоҳида худудиар ва иқтисодий марказлар ўргасида боғловчи бўғин бўлиб хизмат килади. Инфратузилма тармокларининг асосий кисмини табиий монополиялар ташкил этади.

Ўзбекистонда бозор ислоҳотларини чукурлаштириш шароитида табиий монополия субъектларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туриш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Республика Президенти И.А.Каримов «... аввало, табиий монополиялар, деб аталадиган энергетика, темир йўл транспорти, шунингдек, пахта тозалаш ва кимё саноати, коммунал хўжалиги тармокларида бошқарув тизимини ислоҳ қилиш бўйича бошланган ишларни охирiga етказиш долзарб бўлиб қолмоқда»¹, –дега таъкидлагани бунинг яққол далилидир.

Республикада ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг мухим жиҳати шундаки, улар табиий монополия субъектларининг маҳсулотлари ва хизматларидан сифатли ҳамда кафолатли фойдаланиш, уларнинг нархлари муқобиллигини таъминлаш, истеъмолчилар эҳтиёжларини тўлароқ қондириш орқали макроиқтисодий кўрсаткичларни ўстиришга қаратилгандир. Бу эса, ўз навбатида, давлат томонидан йирик табиий монополиялар фаолиятини таркибий ўзгартирниш ва ихчамлаштириш ҳамда рақобат мухитини яратишга йўналтирилган комплекс тадбирларни амалга оширишни тақозо киласди.

Мамлакатимизда монополияга карши сиёсат олиб бориши натижасида сўнгги 10 йил мобайнида монополист корхоналар сони 3,5 баробар, мононол маҳсулотлар тури эса 26 баробар кисқарди. Факат 2004 – 2007 йиллар давомида ялни ички маҳсулотнинг умумий ҳажмида монопол маҳсулотлар улуши 26,0 фойиздан 21,0 фойизга тушди. Шу билан бирга, айrim тармоклarda иқтисодиётнинг монополлашуви асоссиз раввища юкори даражада сакланиб қолаётгани ишлаб чиқариш ҳажми ўсишига, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлиги ортишига, нархлар пасайишига ҳамон тўсқинлик қилмоқда².

Иқтисодиёт барқарор ривожланишида табиий монополияларнинг таъсири сезиларли. Аммо шунига қарамай, улар фаолиятининг иқтисодий мазмуни, амал қилиш хусусиятлари ва тартибга солиш муаммоларини тадқиқ қилишга бағишинланган илмий тадқиқотлар етарли эмас. Табиий монополиялар фаолиятини тартибга солиш ва бошқариш орқали иқтисодиётда рақобат мухитини кучайтириш масалаларини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда бу борадаги муаммоларни ҳал қилишга қаратилган илмий-амалий таклифларни ишлаб чиқиш ўта мухимлиги тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

¹ Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлнимиз. // «Халқ сўзи», 15 февраль 2002 й.

² Каримов И.А. Йисон манбаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларни мизнининг бош максадидир. // «Халқ сўзи», 9 февраль 2008 й.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Монополияларнинг иқтисодий мөхияти ва уларни тартибга солиш соҳасидаги муаммоларни очишга қаратилган айрим назарий - услубий ва амалий жиҳатлар бозор иқтисодиётни назариясининг асосчилари – А.Смит, Д. Рикардо асарларида ўз ифодасини топган. Мазкур муаммолар билан хорижда Й.Шумпетер, Ж.Гэлбрейт, Т.Ди Лоренцо, В.Мёшель, А.Курно, Ж.С.Милл, Ж.Робинсон, О.Уильямсон, Э.Чемберлин каби иқтисодчи олимлар шугулланишган.

МДХ давлатларида эса бу муаммолар Н.А.Айдарова, К.О.Астапов, Э.Ф.Баранов, В.Я.Вишневер, А.Н.Куликова, А.Е.Шаститко каби иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. Улар табиий монополияларнинг давлат иқтисодиётидаги таъсирини пасайтириш йўлларини таклиф этганлар.

Ўзбекистонда монополистик тузилмаларни ислоҳ килиш ва уларни давлат томонидан тартибга солиш масалалари Республика Президенти И.А.Каримов асарлари ва нутқларида кенг баён этилган. Табиий монополия тармоқларини бошқариш ва тартибга солишнинг айрим жиҳатлари Ш.Н.Зайнутдинов, Б.С.Улашов ва Р.И.Нуримбетовлар томонидан ўрганилган. Ўтиш иқтисодиётда табиий монополиялар соҳасига кирувчи электр энергетика тизимининг айрим хусусиятларини Н.Юсупова, Л.А.Соколова, С.Н.Успенская, А.Г.Нурилдинова, Д.Музаффаров ва бошқалар тадқик килингандан.

Республикамизда замонавий менежмент тизимининг назарий-услубий асослари ва уларни иқтисодиёт тармоқларига жорий этиш муаммолари М.Ш.Шарифхўясев, С.С.Гуломов, Ё.А.Абдуллаев, К.Х.Абдурахмонов. Б.Б.Беркинов, Б.Ю.Ходиев, М.А.Икромов, Н.Қ.Йўлдошев, М.Л.Турсунходжаев, Д.Н.Рахимова, Ф.М.Қосимов, А.В.Ваҳобов, М.А.Махкамова, Д.С.Қосимова, А.С.Қўчаров ва бошқа маҳаллий олимларнинг илмий ишларида тадқик этилган. Улар илмий тадқиқотлари ва ўкув қўлланмаси тавсифига эга бўлган ишларида асосан менежмент назариясининг хусусиятлари ёритилган.

Юкорида кайд этилган олимларнинг илмий ишларидан фарқли ўларок, мазкур диссертацияда асосий этибор табиий монополиялар соҳаларида, хусусан, электр энергетикаси тизими мисолида менежментнинг замонавий усулларини жорий этиш масалаларини ўрганишга қаратилган.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғликлиги. Диссертация Тошкент архитектура - курилиш институти илмий ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади табиий монополиялар соҳаларида замонавий менежмент методологиясини тадқиқ этиш, соҳада замонавий менежмент усулларидан фойдаланиш, стратегик ривожланишишни ва унинг иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиши.

Тадқиқот вазифалари. Диссертация ишида қўйилган мақсадга эришиш учун куйидаги вазифалар белгиланди:

-«табиий монополия» тушунчасига хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан ҳамда қонун хужжатларида берилган таърифларни илмий жиҳатдан туркумлаш;

-республикада табиий монополиялар соҳалари фаолиятининг ташкилий - иқтисодий механизмини тадқиқ этиши ва уни такомиллаштириш йўлларини

аниқлаш ҳамда электр энергетикаси тармоғининг мулкий ва молиявий ҳолати, нарх сиёсати ва тарифларнинг шаклланиш механизмини таҳлил қилиш;

-табиий монополиялар соҳаларида иқтисодий самарадорликни оширишнинг хориж тажрибаларини республика шароитларига татбик қилиш ҳамда уларнинг иқтисодиётимиз учун самарали бошқарув усусларини қўллаш йўлларини ўрганиш;

-табиий монополия соҳаларида хатарларни аниқлаш, соҳани бошқаришни такомиллаштириш борасида аниқ тақлиф ва тавсиялар ишлаб чикиш;

- табиий монополия замонавий менежмент тизимини ўрганиш асосида уни ривожлантириш стратегиясини илмий асослаш.

Тадқиқот обьекти ва предмети. Тадқиқот обьекти сифатида «Ўзбекэнерго» ДАКнинг хўжалик юритиш фаолияти ва бошқарув тизими олинди. Тадқиқот предмети бўлиб, республика электр энергетика тизимини бошқариш, уни ташкил этиш жараёнларини ва ундаги иқтисодий муносабатлар хисобланади.

Тадқиқот методлари: тадқиқот жараённида қиёсий ва иқтисодий таҳлил, иқтисодий - математик, статистик гурухлаш, таққослаш каби усуслардан кенг фойдаланилган.

Химояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- бозор иқтисодиёти шароитида табиий монополияларнинг технологик ва иқтисодий жиҳатларини ўрганиш юзасидан тақлифлар;

-табиий монополиялар соҳаларини давлат томонидан тартибга солиш усуслари ва уларни бошқаришнинг ташкилий-хукукий асосларини такомиллаштириш йўллари;

-табиий монополиялар соҳаларини бошқаришнинг ташкилий - иқтисодий механизмини ҳамда электр энергетикаси тизимининг мулкий ва молиявий ҳолати, тариф сиёсати ва нарх шаклланиш механизмидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича тақлифлар;

-табиий монополиялар соҳаларида хатарлар, уларни бошқариш самарадорлигини оширишга қаратилган замонавий менежмент усуслари ва стратегиялари.

Илмий янгилиги менежментнинг замонавий усусларини ўрганиш ва уларни иқтисодиётнинг табиий монополиялар соҳаларида, жумладан, республика электр энергетикаси бошқарув тизимини такомиллаштириш юзасидан илмий - назарий ҳамда амалий тақлифларни ишлаб чиқишада ўз ифодасини топган. Улар кўйидагиларда намоён бўлади:

- табиий монополияларни бошқариш ва уларни тартибга солиш тўғрисидаги илмий ёндашувлар ўрганилган, «табиий монополия» тушунчасига муаллиф таърифи берилган;

- табиий монополиялар келиб чиқиши ва хусусиятларига кўра, назарий жиҳатдан соғ ва легал (қонуний) туркумларга ажратилган;

-электр энергетикаси соҳасида табиий монополияларни иқтисодий хусусиятлари ўрганилган, уларни бошқаришни тартибга солиш зарурлиги илмий жиҳатдан асосланган;

- электр энергетикаси соҳасида нарх сиёсати ва тарифларнинг шаклланиш хусусиятлари тадқиқ этилган ва ушбу соҳадаги муаммолар ўрганилган;
- табиий монополиялар соҳаларида технологик жараёнлар ва молиявий хатарлар илмий - амалий жиҳатдан асосланган;
- республика электр энергетикаси тизимини бошқариши замонавий менежмент усулларини жорий этиш орқали уни ривожлантириш стратегияси ишлаб чикилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илмий тадқиқотнинг хуносалари республикада табиий монополиялар соҳаларида менежментнинг замонавий усулларини жорий этишининг назарий жиҳатларини маълум даражада бойитишга муайян хисса бўлиб қўшилади, амалий аҳамияти эса, улардан Ўзбекистонда табиий монополиялар соҳаларида, хусусан, «Ўзбекэнерго» ДАКнинг бошқарув амалиётидаги фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Тадқиқот натижаларидан монополияга карши органлар томонидан табиий монополияларни тартибга солиши тадбирларини ишлаб чикиша ва олий ўкув юртларида «Менежмент», «Миллий иқтисодиёт» ва «Гармоқлар иқтисодиёти» фанларининг айрим мавзуларини ўрганишда қўшимча материал сифатида фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертациянинг асосий натижалари ва хуносалари Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети (маълумотнома № 07/259-06, 12.2007) томонидан ўкув жараёнларига, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб - қувватлаш давлат кўмитаси хузуридаги Монополияга қарши сиёсатни такомиллаштириш Маркази (маълумотнома № ГХ 01-92, 11.12.2007), «Ўзбекэнерго» ДАК (маълумотнома № АФ-01-21/206, 23.01.2008) томонидан амалиётга жорий этилган.

Ишининг синовдан ўтиши. Диссертация ишининг асосий илмий гоялари ва амалий тақлифлари қўйидаги ҳалқаро ва республика илмий - амалий конференцияларида баён қилинган ва маъқулланган: «Иқтисодиётни модернизациялаш ва ислоҳ этиш – барқарор ўсишли таъминлашнинг бош йўли» (Тошкент, ТДИУ, 2005), «Девятнадцатые международные Плехановские чтения» (-М.: 2006й.), «Архитектура - курилиш фани ва давр» (Тошкент, ТАҚИ, 2006), «Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш тамоилилари, устувор йўналишлари ва истикболлари» (Тошкент, ТМИ, 2006), «Инновацион жараёнларни бошқарини: тажриба, муаммо ва истикболлари» (Тошкент, ТДТУ, 2008), «Ўзбекистон иқтисодиёти: эришилган ютуклар, муаммолар ва ривожланиш истикболлари» (Тошкент, ТДИУ, 2008). Ушбу иш шунингдек, Тошкент архитектура - курилиш институти «Иқтисодиёт» ва «Менежмент» кафедраларининг кенгайтирилган илмий семинари, Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иқтисодиёт институти илмий семинарларида ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Муаммовий илмий кенгашида мухокама этилиб, ҳимояга тавсия қилинган.

Натижаларнинг эълон қилинганилиги. Илмий ишнинг асосий натижалари 2,0 босма табоқ ҳажмидаги 8 та илмий мақола ва 6 та тезис чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация 176 бетдан иборат бўлиб, кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шунингдек, 5 та жадвал, 7 та расм, 25 та иловани ўз ичига олган.

Диссертациянинг кириш қисмидаги танланган мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси асосланиб, илмий-тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги ҳамда назарий ва амалий аҳамияти баён қилинган.

Илмий ишнинг «Табиий монополиялар соҳаларида замонавий менежмент усулларидан фойдаланишининг назарий асослари» номли биринчи бобида бозор иктисодиёти шароитида табиий монополияларни бошқаришнинг назарий - услубий асослари ва замонавий менежмент хусусиятлари илмий-назарий жиҳатдан асосланган. Шунингдек, уларни давлат томонидан тартибга солиш зарурияти, шакл ва усуллари ёритилиб, Ўзбекистонда табиий монополиялар соҳаларини бошқаришнинг ташкилий - хукуқий асослари тадқиқ этилган.

«Табиий монополиялар соҳаларини бошқаришнинг ташкилий иктиносидий механизми ва молиявий ҳолати таҳлили», деб номланган иккинчи бобда табиий монополиялар соҳаларини бошқаришнинг ташкилий-иктиносидий механизми, республика электр - энергетикаси соҳасининг мулкий ва молиявий ҳолати, тариф сиёсати ва нархларнинг шаклланиши механизмлари ҳамда уларнинг макроиктиносидий жараёсларга таъсири таҳлил қилинган.

Диссертациянинг учинчи боби «Табиий монополиялар соҳаларида замонавий менежмент стратегиясини ишлаб чиқиш ва иктиносидий самарадорлигини ошириш» деб атаган. Унда республиканинг табиий монополиялар соҳаларида иктиносидий самарадорликни оширишда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш истиқబоллари, соҳадаги хатарлар ва уларни бошқариш йўллари кўрсатилган ҳамда электр энергетикаси соҳасида замонавий менежмент стратегиясини ишлаб чиқиш иктиносидий жиҳатдан асосланиб, «Ўзбекэнерго» ДАКнинг янги ташкилий - бошқарув тузилмаси таклиф этилган.

Диссертация ишининг хулоса қисмидаги тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, бир қатор амалий таклиф ва тавсиялар баён қилинган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мамлакатимиз иктиносидётининг муҳим тармоқларини таҳлил қилиш жараёнида «Республика Энергетика мустақилигига эришган тақдирдагина тўла мустақил бўла олади»³ - деб, таъкидлаган эдилар. Юртбошимизнинг бу фикри ҳаётий ҳақиқат эканлиги

³ Каримов И.А. Иктиносидётини эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлнимиз. // «Халқ сўзи». 15 февраль 2002 й.

- электр энергетикаси соҳасида нарх сиёсати ва тарифларнинг шаклланиш хусусиятлари тадқик этилган ва ушбу соҳадаги муаммолар ўрганилган;

-табиий монополиялар соҳаларида технологик жараёнлар ва молиявий хатарлар илмий - амалий жиҳатдан асосланган;

-республика электр энергетикаси тизимини бошқарища замонавий менежмент усулларини жорий этиш орқали уни ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилган.

Тадқикот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илмий тадқикотнинг хуносалари республикада табиий монополиялар соҳаларида менежментнинг замонавий усулларини жорий этишнинг назарий жиҳатларини маълум даражада бойитиша муайян ҳисса бўлиб қўшилади, амалий аҳамияти эса, улардан Ўзбекистонда табиий монополиялар соҳаларида, хусусан, «Ўзбекэнерго» ДАКнинг бошқарув амалиётида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Тадқикот натижаларидан монополияга карши органлар томонидан табиий монополияларни тартибга солиши тадбирларини ишлаб чиқиша ва олий ўқув юртларида «Менежмент», «Миллий иктисадиёт» ва «Тармоклар иктисадиёти» фанларининг айрим мавзуларини ўрганишда қўшимча материал сифатида фойдаланиш мумкин.

Натижаларининг жорий килиниши. Диссертациянинг асосий натижалари ва хуносалари Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети (маълумотнома № 07/259-06, 12.2007) томонидан ўқув жараёнларига, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, ракобат ва тадбиркорликни кўллаб - кувватлаш давлат кўмитаси хузуридаги Монополияга карши сиёсатни такомиллаштириш Маркази (маълумотнома № ГХ 01-92, 11.12.2007), «Ўзбекэнерго» ДАК (маълумотнома № АФ-01-21/206, 23.01.2008) томонидан амалиётга жорий этилган.

Ишнинг синондан ўтиши. Диссертация ишининг асосий илмий гоялари ва амалий таклифлари қўйидаги ҳалқаро ва республика илмий - амалий конференцияларида баён килинган ва маъкулланган: «Иктисадиётни модернизациялаш ва ислоҳ этиш – барқарор ўсишни таъминлашнинг бош йўли» (Тошкент, ТДИУ, 2005), «Девятнадцатые международные Плехановские чтения» (-М.: 2006й.), «Архитектура - курилиш фани ва давр» (Тошкент, ТАҚИ, 2006), «Ўзбекистон иктисадиётини эркинлаштириш тамойиллари, устувор йўналишлари ва истиқболлари» (Тошкент, ТМИ, 2006), «Инновацион жараёнларни бошқариш: тажриба, муаммо ва истиқболлари» (Тошкент, ТДГУ, 2008), «Ўзбекистон иктисадиёти: эришилган ютуклар, муаммолар ва ривожланиши истиқболлари» (Тошкент, ТДИУ, 2008). Ушбу иш шунингдек, Тошкент архитектура - курилиш институти «Иктисадиёт» ва «Менежмент» кафедраларининг кенгайтирилган илмий семинари, Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иктисадиёт институти илмий семинарларида ҳамда Тошкент давлат иктисадиёт университетининг Муаммовий илмий кенгашида мухокама этилиб, ҳимояяга тавсия килинган.

Натижаларнинг эълон қилинганини. Илмий ишнинг асосий натижалари 2,0 босма табоқ ҳажмидағи 8 та илмий мақола ва 6 та тезис чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация 176 бетдан иборат бўлиб, кириш, учта боб, хуроса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шунингдек, 5 та жадвал, 7 та расм, 25 та иловани ўз ичига олган.

Диссертациянинг кириши кисмидаги танланган мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси асосланиб, илмий-тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги ҳамда назарий ва амалий аҳамияти баён килинган.

Илмий ишнинг «Табиий монополиялар соҳаларида замонавий менежмент усулларидан фойдаланишининг назарий асослари» номли биринчи бобида бозор иктисодиёти шароитида табиий монополияларни бошқаришнинг назарий - услубий асослари ва замонавий менежмент хусусиятлари илмий-назарий жиҳатдан асосланган. Шунингдек, уларни давлат томонидан тартибига солиш зарурити, шакл ва усуллари ёритилиб, Ўзбекистонда табиий монополиялар соҳаларини бошқаришнинг ташкилий - хукукий асослари тадқиқ этилган.

«Табиий монополиялар соҳаларини бошқаришнинг ташкилий иктиносидий механизми ва молиявий ҳолати таҳхили», деб номланган иккинчи бобда табиий монополиялар соҳаларини бошқаришнинг ташкилий-иктиносидий механизми, республика электр - энергетикаси соҳасининг мулкий ва молиявий ҳолати, тариф сиёсати ва нархларнинг шаклнаниш механизмлари ҳамда уларнинг макроиктисодий жараёнларга таъсири таҳдил қилинган.

Диссертациянинг учинчи боби «Табиий монополиялар соҳаларида замонавий менежмент стратегиясини ишлаб чиқиш ва иктиносидий самарадорлигини ошириш» деб атаглан. Унда республиканинг табиий монополиялар соҳаларида иктиносидий самарадорликни оширишда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш истикболлари, соҳадаги хатарлар ва уларни бошқариш йўллари кўрсатилган ҳамда электр энергетикаси соҳасида замонавий менежмент стратегиясини ишлаб чиқиш иктиносидий жиҳатдан асосланиб, «Ўзбекэнерго» ДАКнинг янги ташкилий - бошқарув тузилмаси таклиф этилган.

Диссертация ишининг хуроса кисмидаги тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, бир катор амалий таклиф ва тавсиялар баён қилинган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мамлакатимиз иктиносидётининг муҳим тармоқларини таҳдил қилиш жараённида «Республика энергетика мустақилигига эришган тақдирдагина тўла мустакил бўла олади»³ - деб, таъкидлаган эдилар. Юргбошимизнинг бу фикри ҳаётий ҳақиқат эканлиги

³ Каримов И.А. Иктиносидётин эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – боз йўлнимиз. // «Халқ сўзи». 15 февраль 2002 й.

амалда намоён бўлмокда. Йирик ишлаб чиқариш ва илмий-техник салоҳиятга эга мамлакатимиз электр энергетикаси миллий иқтисодиётнинг ривожланишига салмоқли ҳисса кўшмокда.

Ҳамдўстлик давлатлари бўйича электр энергияси ишлаб чиқариш хажмининг 4 фоизи Ўзбекистон энергетика тизими зиммасига тушади. Бу борада асосий кўрсаткичлар бўйича мамлакатимиз Ҳамдўстлик давлатлари орасида Россия, Украина ва Қозогистондан кейин тўртинчи ўринда туради⁴.

Ўзбекистон электр энергетикаси 2001 йилдан очик акциядорлик жамияти шаклида ташкил қилинган «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси доирасида фаолият кўрсатмокда. Кўмир саноати корхоналари ҳам таркибида бўлган, бу компания Ўзбекистон Республикаси энергетика ва электрлаштириш вазирилгининг қонуний вориси ҳисобланади. Бугунги кунда компания таркибида 53 та корхона, шу жумладан, 39 та акциядорлик жамияти, 11 та унитар корхона, масъулияти чекланган 2 та жамият, шунингдек, «Энергосотиши» филиали мавжуд.

Республикамизда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 86 фоизини газли иссиқлик, кариб 9 фоизини мазут, 5 фоизини кўмир ташкил қиласди. Электр станциялари бўйича эса бу кўрсаткичуларнинг улуши нуқтаи назаридан қуидагича: ИЭС 86 фоиз, ГЭС 11,5 фоиз, блокстанция 2,5 фоиз. Бу анъана якин истиқболда ҳам сакланиб қолади⁵.

Шундай экан, республикамиз электр энергетикаси тизимининг мавжуд имкониятларидан тўгри фойналаниш зарур. Сабаби – «Ўзбекэнерго» ДАК томонидан ишлаб чиқарилаётган электр энергияси нафакат, республикамиз иқтисодиётига, балки, кўшни республикалар иқтисодиётига ҳам таъсир ўтказади. Ҳукуматлараро шартномаларга мувофиқ, ҳар йили Тожикистон, Қирғизистон ва Афғонистонга киймати 16939,4 минг АҚШ долл. эквиваленти атрофидаги электр энергияси экспорт қилинади⁶.

Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ электр энергетика тизими табиий монополия соҳасига тегишли субъектлар каторига киради.

Монополия – иқтисодиётнинг бир соҳасида танҳо ҳукмронлик; бозорни ташкил этиш шакли. Бундай бозорларда ягона сотувчи ўз товари билан фаолият кўрсатади, бошқа тармокларда бундай товарларнинг ўринбосари бўлмайди⁷. Монополия корхоналар ўртасидаги ўзаро муносабатлар (масалан, кўшилиб кетиш, келишиб олиш ёки картель битимлари) натижасида ракобат тўла - тўқис ўринли бўлган ва либерал анъаналарни сақлаб қолиш учун давлат аралашувини окладиган шароитда вужудга келади. Монополия шунингдек, табиий ёки соҳада анча такчил товарга нисбатан бўлиши мумкин. Бунда ишлаб чиқариш бирлигининг оқилона ҳажми бутун бозорни кондириш учун қаратилади. Қолган барча муқобиллар: давлат мулки ёки хусусий монополия кабилар давлат

⁴ Ўзбекистон Республикаси йилик статистик маълумотлари 317 бет.

⁵ «Ўзбекэнерго» ДАК нинг маҳсус журнали. 2006 й. 14, 30-31 бет.

⁶ Махкамов А. Нур мамлакати. // «Мулкдор», 6 январь 2006 й.

⁷ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 6-том. 2004 й. 77 бет.

томонидан тартибга солиниши бундай вазиятда ўринсиз. Бунда улардан энг кичигини танлаш муаммоси юзага келади⁸.

Табий монополиялар – бозорда муайян товарлар (ишилар, хизматлар) турларига бўлган талабни қондиришда рақобатли шароитларни яратиш технологик хусусиятларга кўра мумкин бўлмайдиган ёки иқтисодий жиҳатдан мақбул бўлмайдиган ҳолат⁹.

Табий монополия ҳолати кўйидаги иккита сабабга кўра, юзага келиши мумкин:

1. Соҳада катта ҳажмдаги тежамкорлик имкониятлари мавжудлиги (ўсиб бораётган қайтим деб ҳам аталади);

2. Универсалликка ёки стандартлаштиришга бўлган мойиллик. Бунда истеъмолчилар фойдаланилаётган барча товарлар ва хизматларни (масалан, телефон компанияларининг универсал хизматлари, операцион тизимлар ва бошқалар) истеъмол килишга кўпроқ мойилдирлар.

Табий монополиялар вужудга келишининг ҳар икки шарт - шароити асосида битта нарса ётади. У ҳам бўлса, технологиядир. Биринчи ҳолатда технологияларнинг хусусиятлари табий монополиялар вужудга келишига таклиф томонидан, иккинчисида эса талаб томонидан таъсир кўрсатади. Технологик инновациялар ўз даврида табий монополияларнинг вужудга келишига сабаб бўлган (масалан, XVIII асрда темир йўлларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, XX аср бошида электр, телефон, сув ўтказиш ва иситиш тармоқлари вужудга келиши ва ривожланиши кабилар).

Технологияларнинг мазкур хусусиятини ва капиталистик бозорлар ривожланишидаги ролини аниқлаган машхур Австрия – Америка иқтисодчиси Жозеф Шумпетер мазкур жараённи «салмокли бузилиш»¹⁰ (creative destruction) сифатида тавсифлаган. Шумпетер ва унинг издошлари инновация ва технологик ривожланишни капиталистик бозорлар эволюцион ривожланишининг ундовчи омили сифатида ўргандилар.

«Табий монополия» тушунчаси пайдо бўлиши жиҳатидан экономикс классик мактабига хос. Уни таҳлил килиш учун талаб ва таклифнинг статик нисбати асос ҳисобланади.

Табий монополия соҳалари самаралироқ кўринишга эга. Аммо шунга қарамай (cost effective), улар классик сиёсий иқтисод назарияси томонидан бозор тамоилларининг анъанавий равищда бузилиши (market failure) хосиласи сифатида ўрганилган. Бу монополиялар кўйидаги фаразларга асосланади:

1. Маълумотлар (харажатлар, нархлар, талаб ва ҳоказолар тўғрисидаги) барча манфаатдор гурухлар учун қулай;

2. Фирма ўз фойдасини максималлаштиришга интилади;

3. Фойдани максималлаштирувчи товар (хизмат)ни ишлаб чиқариш нуктасига чекланган харажатлар чекланган даромадларга тенг бўлган вазиятда эришилади, нарх эса талаб даражаси билан белгиланади.

⁸ Фридман М. Либерализм. – Журнал «Collier's Year Book», 1955. - 56 б.

⁹ Ўзбекистон Milliy Энциклопедияси. . 8-том. 2004 й. 215 б.

¹⁰ Joseph Alois Schumpeter, (1883 – 1950), «Capitalism, Socialism and Democracy» (1942).

Юкоридаги фикрларга асосланиб, бозор шароитила мамлакатимизда табий монополияларни бошқаришда замонавий менежмент усулларини жорий этиш мухим аҳамият касб этишини таъкидлаган ҳолда диссертация ишида муаллиф томонидан табий монополияга куйидагича таъриф берилди: табий монополия – бу, бозорда маълум бир товар (ишлар, хизмат)ларга бўлган талабнинг доимий ёки вақтинчалик технологик хусусиятларига кўра, эҳтиёжни кондириш борасида рақобат мухитини яратиш имкони бўлмаган ёки иктиносидай жихатдан самара келтирмайдиган ҳолатдир. Бунда, талабнинг доимий ёки вақтинчалик технологик хусусиятларига кўра, дейилишини куйидагича изоҳлаймиз: табий монополиялар соҳаларини бошқаришда бозор иктиносидайтига ўтиш асоси – «Ўзбек модели»нинг машҳур беш тамойили ҳамда замонавий менежментнинг ташкилий, иктиносидай ва ҳукукий усулларидан файланишни ҳисобга олиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Уларга қўшимча сифатида, ўз-ўзини бошқариш; стратегик режалаштириш; инновацион менежмент; ички бозорни бошқариша ташки мухит омиллари таъсири каби функциялардан фойдаланиш мумкин. Табий монополия субъекти – бу, табий монополия шароитила товар ишлаб чиқариш (сотиш) билан банд бўлган хўжалик ташкилоти (ҳукукий шахс)дир.

Ўзбекистонда табий монополиялар соҳалари ҳалқаро амалиётдагига караганда бирмунча кенгрок. Уларнинг шақсланиши ўтиш даврида иктиносидайтига кайта куриш ва бошқариш натижасида юзага келган тузилмалар билан боғлик. Ўзбекистон Республикасининг «Табий монополиялар тўгрисида»ги (1997 йил 25 апрель, янги таҳриргагиси 1999 йил 19 август) қонунига мувофиқ, мамлакатимизда қуйидаги соҳалардаги табий монополиялар субъектлари фаолияти давлат томонидан тартибга солинади:

- нефть, газ конденсати, табий газ ва кўмир қазиб чиқариш;
- нефть, нефть маҳсулотлари ва газни кувурлар орқали ташиш;
- электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва узатиш;
- темир йўлларда юк ва йўловчилик ташиш;
- умумий эркин фойдаланиладиган электр ва поча алоқаси хизматлари;
- сув кувурлари ва канализация хизматлари¹¹.

Вужудга келиши ва технологик хусусиятига кўра, табий монополияларни назарий жихатдан қуйидагича туркумлаш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Табий монополияларнинг туркумланиши

Соф табний монополия	Легал (қонуний) табний монополия
-нефть, газ конденсати, табий газ ва кўмир қазиб чиқариш;	-нефть, нефть маҳсулотлари ва газни кувурлар орқали ташиш ва узатиш;
-умумий эркин фойдаланиладиган электр хизматлари;	-темир йўлларда юк ва йўловчилик ташиш;
-сув кувурлари ва канализация хизматлари.	-умумий эркин фойдаланиладиган поча алоқаси хизматлари.

Манба: муаллиф тадқикотлари асосида ишлаб чиқилган.


¹¹ Ўзбекистон Миллый Энциклопедияси. 8-том. 2004 й. 215 бет.

Соф табиий монополия – технологик ва географик жойлашиши нүктаси назаридан рақобат шароитини яратиш имкони бўлмайди.

Легал (қонуний) табиий монополия – технологик ва географик жойлашиши нүктаси назаридан рақобат шароитини яратиш мумкин, лекин иктисодий жиҳатдан мақбул бўлмайди.

Диссертацияда тадқиқот мавзуси ва обьектидан келиб чишиб, табиий монополиялар соҳасига кирувчи электр энергетикаси соҳасининг хўжалик юритиш фаолияти ва бошқарув тизими хусусиятлари кенг ўрганилди.

Маълумки, электр энергияси – бир жойда сакланмайдиган маҳсулот. Электр энергиясига бўлган талаб вақт, кун ва йилдан келиб чишиб, кучли тебраниб туради ва бу тебранишлар модели барқарор эмас. Электр энергияси таклифи ишлаб чиқаришнинг вертикал ўзаро боғлиқ тўртта босқичидан иборат: электр энергиясини генерирлаш; узатиш; тақсимлаш; пировард истемолчига етказиш (1-расм).



1-расм. Электр энергетикаси соҳасини табиий монополияга айлантирадиган иктиносий хусусиятлар (мантиқий тасаввур)

Манба: муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Генерирлаш – бу, ҳар қандай энергия турини электр энергиясига айлантириш (ёқилғининг ҳар хил турлари (кўмир, нефть, газ)ни ёки сув ёхуд шамол кинетик энергиясидан фойдаланиш йўли билан) жараёнидир.

Электр энергиясини генерирлаш – қайтарилмайдиган юкори харажатли, капитал сифумли ишлаб чиқаришдир. Қайтарилмайдиган харажатлар ҳажми турли энергетика ресурсларидан фойдаланиш бўйича фарқланади.

Диссертация ишида мамлакатимиз электр ва иссиқлик энергияларини ишлаб чиқариш куввати, уларга бўлган талабнинг ўзгариб бориши, улардан олинадиган даромад ва рентабеллик кўрсаткичлари ҳолати ҳамда электр ва иссиқлик энергияларининг ўртача тарифлари тахлил килинди (2-жадвал).

**Электр энергетика тизимининг 2002 – 2007 йиллардаги асосий
техник-иктисодий кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2002	2004	2006	2007	2007 йилнинг 2002 йилдаги га нисбати
Электр энергия ишлаб чиқариш	млрд. кВтс	47,90	48,20	46,80	48,95	102,2 %
Республикада электр энергия истеъмоли	млрд. кВтс	49,20	49,00	39,36	40,30	81,9 %
Иссиклик энергиясини узатиш	млн. Гкал	10,90	10,50	10,24	9,78	89,8 %
Электр энергияси ишлаб чиқаришда солиштирма ёқилғи сарфи	т/кВтс	383,27	383,27	381,77	377,17	98,4 %
Иссиклик энергиясини ишлаб чиқаришда солиштирма ёқилғи сарфи	кг/Гкал	177,31	177,54	177,11	177,89	100,3 %
Ишлаб чиқаришдан тушган даромад	млрд. сўм	22,10	32,40	126,50	287,40	13 марта
Рентабеллик	фонд сўм	1,90	2,60	10,43	10,43	+ 8,53 ф.п.
1 кВтс таннархи	сўм	8,89	13,70	27,47	32,50	3,7 марта
1 Гкал таннархи	минг сўм	4,22	6,32	10,85	9,94	2,3 марта
Электр энергиянинг ўртача тарифи (ККС сиз)	сўм	8,00	21,30	38,00	43,70	5,5 марта
Иссиклик энергиясининг ўртача тарифи (ККС сиз)	минг сўм	7,43	8,64	10,60	10,94	147,1 %

Манба: «Узбекэнерго» ДАК нинг мъалумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2-жадвал мъалумотлари кўрсатишича, компания электр станциялари томонидан 2002 йилда 47,90 млрд. кВтс электр энергияси ишлаб чиқарилган бўлса, 2007 йилда 48,95 млрд. кВтс га етган ёки 2002 йилдагига нисбатан 2,2 фоизга ошган. Бунга мамлакатимизда ва қўшни республикаларда электр энергияга бўлган талаб ошиб бораётгани сабаб бўлган. Лекин республикада 2004 йилдан бошлаб электр энергияси истеъмоли камая бошлаган ва 2007 йилда 40,30 млрд. кВтс ни ташкил қилган. Иссиклик энергияси узатиш 2002 йилда 10,90 млн. Гкалдан иборат бўлган бўлса, 2007 йилда 9,78 млн. Гкални ташкил қилган, яъни 2007 йилда 2002 йилдагига нисбатан 10,2 фоизга камайган.

Таъкидлаш жоизки, электр энергияси ишлаб чиқариш (ҳар қандай ресурслардан фойдаланилганда) катта экологик харажатлар билан боғлик. Чунки бу жараёнда экологик характеристдаги талабларга риоя қилиш устидан самарали назорат зарур бўлиб, у катта инвестицияларни талаб этади.

Илмий кузатишлиаримиз кўрсатишича, тармоқнинг асосий тавсифлари куйидаги тарзда жамланиши мумкин: электр энергияси бир жода сакланмайди; унга бўлган талаб кучли тебранишлар билан фарқланади; ижтимоий ва атроф-мухит муҳофазаси билан боғлик харажатлар юкори; тармоқ капитал сиғимлилиги, юкори қайтарилмас харажатлар билан фарқланади;

узатиш ва тақсимлаш (транспортировкалаш соҳаси) табиий монополиялар белгисига эга; шу билан бир вақтда генерирлаш ва етказиб бериш сингари потенциал рақобатли тармоқ вертикал занжир бўйича, айниқса, генерирлаш ва узатиш ўргасида доимий ва пухта мувофиқлаштиришни талаб этади, бу ҳар кандай таркибий ўзгариш учун чеклов ҳисобланади; технология генерирлаш ва узатиш ўргасидаги алоқаларнинг узилишига йўл қўймайди.

Юқорида таъкидлаб ўтилган ҳолатларни «Ўзбекэнерго» ДАКнинг иқтисодий фаоллигига таъсир этувчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш орқали ҳам кўришимиз мумкин (3-жадвал).

3-жадвал

«Ўзбекэнерго» ДАКнинг 2002 – 2007 йиллардаги иқтисодий фаоллиги таҳлили

Кўрсаткичлар	2002	2004	2006	2007	2007 йилнинг 2002 йилда- гидан фарқи
Активларнинг айланиш коэффициенти	1,52	1,59	1,62	1,46	-0,06
Ўзига карашли капиталларнинг айланиш коэффициенти	1,10	1,19	2,12	2,32	1,22
Ишлаб чиқариш заҳираларининг айланиш коэффициенти	9,56	7,70	15,88	14,46	4,9
Заём маблағларининг айланувчанлик коэффициенти	1,16	1,40	1,79	1,47	0,31
Дебиторлик қарзларининг айланиш куни	202,2	175,6	348,0	268,6	66,4
Кредиторлик қарзларининг айланиш куни	1714,3	330,3	229,3	276,9	-1437,4

Манба: «Ўзбекэнерго» ДАК маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

3-жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, компания активларнинг айланиш коэффициенти 2002 йилда 1,52 бўлган, 2007 йилда 0,06 га камайиб, 1,46 ни ташкил қилган. Бу эса, компаниянинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари юқорилигини билдиради. Дебиторлик қарзларининг айланиш кунлари 2002 йилда 202,2 кунни ташкил қилган бўлса, 2007 йилда 268,6 кунга етган ёки 33 фойзга ошган. Бу эса, иқтисодий фаоллик учун яхши эмас. Кредиторлик қарзларининг айланиш куни 2002 йилда 1714,3 кун бўлган бўлса, 2007 йилда 1437,4 кунга камайиб, 276,9 кунни ташкил қилмоқда. Бу, компаниянинг иқтисодий фаоллигига сезиларли ижобий таъсир кўрсатган.


Таҳлил натижалари «Ўзбекэнерго» ДАКнинг иқтисодий аҳволи охириги йилларда секин-аста яхшиланиб бораётганлигини, лекин, электр энергетика тизимида сақланиб келаётган муаммолар, республика иқтисодиёти учун ҳам умумий муаммолигича қолаётганлигини кўрсатмоқда. Булар кўйидагилардир:

- энергетика соҳасига Ўзбекистон иқтисодиётининг донори сифатидаги муносабат сақланиб турибди;
- электр ва иссиқлик энергияси харажатларини қоплаш ҳамда тарифларни тартибга солиш кўп ҳолларда иқтисодий тамойилларга эмас, балки бозор ҳолатига боғлик бўлиб қолмоқда;
- электр энергетикаси корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини оширишни рағбатлантирмайдиган харажатли механизми ҳамон сақланиб турибди;

- электр энергетикаси корхоналарини бошқаришининг самарали таркибини шакллантириш ҳали якунлангани йўқ.

Мазкур муаммаларнинг келиб чишига асосий сабаблардан бири Ўзбекистонда ахоли майший истеъмолига мўлжалланган электр энергия тарифлари ошиб бораётганлигидир (2-расм).

сўм



2-расм. Ўзбекистонда майший истеъмолчилар учун 2002 – 2007 йилларда белгиланган электр энергияси тарифларининг ўзгариш динамикаси

Манба: «Ўзбекэнерго» ДАК маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузиљди.

2-расмда Ўзбекистонда электр энергиясининг майший истеъмолчилар учун 2002 – 2007 йилларга белгиланган тарифлари АҚШ центида ва ўзбек сўмида кўрсатилган. 2002 йилда тарифлар 0,83 АҚШ центини ташкил қилган бўлса, 2007 йилда 3,38 цента етган, яъни 2002 йилдагига нисбатан 407 фоизга ошган. Миллий валютада эса, 2002 йилда 8 сўм бўлган бўлса, 2007 йилда 43,70 сўмни ташкил қилган, яъни 2002 йилдагига нисбатан 546 фоизга кўпайган. Электр энергияси тарифлари 2004 – 2005 йиллар оралиғида колган йиллардагига нисбатан кескин ошган. Истеъмолчилар томонидан эса фойдаланилган электр энергияси учун хақ анча паст суръатларда тўланган (4-жадвал).

4-жадвал

Ўзбекистонда фойдаланилган электр энергияси учун 2002 – 2007 йилларда ахоли томонидан тўловларнинг амалга оширилиши

Йиллар	Фойдаланилган электр энергия суммаси (млн.сўм)	Тўланган электр энергия суммаси (млн сўм)	Тўланган сумманинг фойдаланилган суммадаги улуши, фоиз
2002	51236,7	40125,4	78,3
2003	68802,6	50077,5	72,78
2004	115750,8	80554,0	69,59
2005	185868,9	121449,7	65,34
2006	215689,2	165296,9	76,6
2007	221568,4	158642,9	71,6

Манба: «Ўзбекэнерго» ДАК маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузиљди.

4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, электр энергия учун аҳоли томонидан тўловларнинг амалга оширилиши қоникарли даражада эмас. Масалан, 2002 йилда аҳоли томонидан фойдаланилган 51236,7 млн. сўмлик электр энергияси ҳақининг 40125,4 млн. сўми ёки 78,3 фоизи тўланган бўлса, 2007 йилда ишлатилган 221568,4 млн. сўмлик электр энергияси ҳақининг 158642,9 млн. сўми ёки 71,6 фоизи тўланган. Электр энергияси учун тўловларнинг аҳоли томонидан тўланиши қолган йилларга нисбатан энг яхши кўрсаткичлар 2002 йил 78,3 фоизни ва 2006 йилда 76,6 фоизни ташкил килган.

Электр энергияси тарифларининг муттасил ошиб бораётгандигига куйидагилар сабаб бўлмоқда: электр энергияси техник воситаларининг хориждан импорт килиниши; республикада электр энергиясини узатувчи кўпгина техник воситалар мъявавий ва жисмоний эскирганлиги натижасида электр энергиясининг табиий йўқотилиш микдори кўпаяётгани; истеъмолчилар томонидан электр энергиясидан ноконуний фойдаланиш холлари кўплиги.

Илмий кузатишларимиз кўрсатишича, электр энергетика тизимидағи муаммо ва хатарларни бошқариш республикамиздаги каби ривожланган мамлакатларда хам турлича ҳал этилади. Уларнинг айримлари очик ракобат ёки ўзида активларни хусусий компаниялар ва жисмоний шахсларга сотишини мужассамлаштирган ҳар кандай ислохотлар стратегиясини рад этадилар. Қатор давлатлар (масалан, Франция, Германия, Грекия, Швеция, Буюк Британия, Финландия ва бошқалар)да хусусий мулкчилик субъектлари функциясига фақат электр энергияси таъминоти бўйича хизматлар киритилади.

Республикамизда электр энергетика соҳасини бошқаришда замонавий менежмент усусларини жорий этиш орқали келгусида соҳани ривожлантирувчи стратегияларни ишлаб чикишга зарурият туғилмоқда.

Тадқикотда «Ўзбекэнерго» ДАК бу борада куйидаги вазифаларни амалга ошириши лозимлиги таъкидланади:

- компания ва унга қарашли акциядорлик жамиятлари капитал тузилмасидаги ўзгаришлар Ўзбекистон Республикасининг акциядорлар хуқуқлари ва уларни ҳимоя қилиш механизмини ифодалайдиган конунчилигига мувофиқ равища амалга оширилишини таъминлаш;

- ракобат бозорида энергетика соҳасида инвестиция жалб қилувчи йирик компаниялар шаклланиши учун шароит ва имкониятлар яратиш;

- электр энергияси учун хисоб - китобнинг пуллик шакли кўламини ошириш ва аксинча, ортиқча бошқарув харажатларини оптимал даражада камайтириш, тариф тизимини такомиллаштириш каби масалаларни ҳал этиш;

- компания кузатув кенгашининг жорий натижалари ва хуласалари асосида ўз тасаррувидаги корхоналар фаолиятини замонавий бошқарув тизими орқали боскичма - боскич амалга ошириш.

Диссертация ишида келтирилган маълумотлар асосида «Ўзбекэнерго» ДАКнинг 2007 - 2015 йиллардаги асосий техник-иктисодий кўрсаткичлари ўзгариши прогнози, ўртacha ўсиш ва камайиш суръатларига хисобга олиш ва статистик кузатиш усусларидан фойдаланиш орқали амалга оширилди (5-жадвал).

**Электр энергетикаси тизимининг асосий техник-иқтисодий
кўрсаткичлари прогнози**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлги	2007 хакиқий	2010	2012	2015	2015 йилнинг 2007 йилдагига нисбати
Электр энергия ишлаб чиқариш	млрд. кВтс	48,95	49,70	51,20	52,90	108 %
Республикада электр энергия истеъмоли	млрд. кВтс	40,30	47,20	48,10	50,10	124 %
Иссиклик энергиясини узатиш	минг. Гкал	9,78	10,50	11,40	12,80	131 %
Электр энергиясини ишлаб чиқаришда солиштирима ёқилғи сарфи	т/кВтс	377,17	385,27	394,56	432,55	115 %
Иссиклик энергияси ишлаб чиқаришда солиш-тирма ёқилғи сарфи	кг/Гкал	177,89	179,54	182,45	208,77	117 %
Ишлаб чиқаришдан тушган даромад	млрд. сўм	287,40	465,10	640,40	880,90	3,1 марта
Рентабеллик	фоиз	10,43	12,02	13,60	18,70	+ 8,27 ф.п.
1 кВтс танинархи	сўм	32,50	65,20	70,20	75,50	2,3 марта
1 Гкал танинархи	минг сўм	9,94	14,26	16,86	18,40	185 %
Электр энергиянинг ўртacha тарифи (ККС сиз)	сўм	43,70	70,32	80,40	92,44	2,1 марта
Иссиклика энергиянинг ўртacha тарифи (ККСсиз)	минг сўм	10,94	16,26	19,10	21,25	194 %

Манба: муаллиф илмий изланишлари асосида ишлаб чиқилди.

5-жадвал маълумотларига кўра, электр энергия ишлаб чиқариш 2007 йилда 48,95 млрд. кВтс бўлган бўлса, 2012 йилда 51,20 млрд. кВтс, 2015 йилда бу кўрсаткичини 52,90 млрд. кВтсга, яъни 2007 йилдагига нисбатан 8,0 фоизга ошириш мўлжалланмоқда. Чунки, ахолининг электр энергияга бўлган эҳтиёжи йилдан - йилга ошиб бормокда. Дарвоқе, республикада электр энергия истеъмоли 2007 йилда 40,30 млрд. кВтс бўлган бўлса, 2012 йилда 48,10 млрд. кВтс, 2015 йилда 50,10 млрд. кВтс бўлиши кутилмоқда. Электр энергия ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш ўртасидаги фарқ уни қўшни республикаларга экспорт қилиш режалаштирилганлиги билан изоҳланади. Чунончи иссиқлик энергиясини узатиш 2007 йилда 9,78 минг Гкал бўлган бўлса, 2012 йилда 11,40 Гкал, 2015 йилда 12,80 млн Гкалга етказиш кутилмоқда. Электр энергиянинг ўртacha тарифи 2007 йилда 43,70 тийин бўлган бўлса, 2012 йилда 80,40 тийин бўлиши, 2015 йилда 92,44 тийин бўлиши кутилмоқда.

З-расмт. «Ўзбекенерго» ДАК ижро аппаратининг янги тузилмаси

Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Компания маслаҳатчилари

Бошқарув раиси

Раисининг биринчи ўринбосари

Энергетика истикблорни ривождиганини, яни и техника ва технологияларни тутбук этиши бошкормаси (8)

Янги техника ва технологияларни тутбук этиши бошкормаси

Истикблорни режалаштириш гурӯҳи

Электр стапникларни эксплуатацияни килини бошкормаси (5)

ИСС – (7): ГЭС – (6)
ИЭМ – (3 кишин)

«Ўзнергостош» бошкормаси,
«Ўзэнергорсостош» бошкормаси,
«Энергетикотоҷиҷин» АЖ
«ОРИЭС» АЖ;
«Энергетикотоҷиҷин» АЖ
«Ходимлар тарбиялари» АЖ
майданчи.

Раис ўринбосари

Электро тармоқларни эксплуатацияни бошкормаси (5)

Молия байланис бошкормаси

Ниҳосий мунисабатларни ривожсантириш ва таҳчилини бошкормаси (13)

Стратегик резеквантинни ва инновацияларни жорий этиши бошкормаси (14)

«Энергетикотоҷиҷин» АЖ
«Савдоистро» АЖ

Раис ўринбосари

Инвеститорларни ба хорижий инвестицияларни жалб килини бошкормаси (6)

Марказий бўхтагтерни (4)

«Ўзбекенерго турниши» АЖ (21 та корона)
«Электро армок-курияни» АЖ
«Масусузлектрармок-курияни» АЖ
«Гидромаксуслурни» АЖ
«Ўзеншоукликэнергетруни» АЖ
«Электротришилок-курияни» АЖ
«4-Монтаж бошкормаси» АЖ
«Гидролойка» АЖ
«Испенсиенстробойка» АЖ

1 ва II бўйим (2 киши)
Раис ёрдаччию, умумий бўйим (4)

Раисининг биринчи ўринбосари

«Ўзбекбосар – «Ўзбеккумир» АЖ
бош деректори*

«Ўзбеккумир» АЖ

Кандидат бўшкарчаси (2)

Юристичсанахати (1)

Умими ходимлар сони – 63 бирлик, шундан бошқарув ходимлари – 55 бирлик.

*): «Ўзбеккумир» АЖ ижро аппарат ходимлари билан хисоблагатна,

**) «Ўзнергостош» корхонаси ходимлари билан хисоблагандада.

Диссертацияда компаниянинг истиқболдаги фаолиятини такомиллаштириш максадида амалдаги ижро аппарати тузилмаси таркибига «Инвестиция лойиҳалари бошқармаси» ва «Хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўлими»ни бирлаштириб, «Инвестиция лойиҳалари ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш бошқармаси» ташкил қилиш таклиф этилган.

Мазкур бошқарма ва бўлимнинг вазифалари бир-бирига якнан бўлгандиги сабабли, улардаги 2 штат бирлигини кискартириш хисобига, «Молия ва иқтесод» бошқармаси таркибида «Стратегик режалаштириш ва инновацияларни жорий этиш бўлими»ни ташкил этиш таклифи берилди (З-расм).

«Стратегик режалаштириш ва инновацияларни жорий этиш бўлими»ни зиммасига қуйидаги вазифаларни юклаш мумкин:

- компанияни узок муддатли истиқболда ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чикиш;
- компания билан унинг таркибидаги корхоналар ўртасидаги бошқарув жараёнларини мувофиқлаштириш дастурларини ишлаб чикиш;
- электр энергиясининг янги манбаларини излаб топиш;
- ўзини – ўзи бошқаришда замонавий инновацион менежмент усулларини жорий этиш;
- турли хил тармоклар истеъмолчилари учун электр энергиясининг диверсификацион тарифлар тизимини такомиллаштириб бориши.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижалари асосида муайян хулосаларга келинди ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Табиий монополияларни бошқариш ва тартибга солиш учун қуйидаги усуллардан фойдаланиш зарур:

- табиий монополиялар субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга бевосита нарх ва тариф белгилаш;
- даромадлилик ва нархлар ўсишининг чекланган микдорини белгилаш орқали нарх ва тарифларни билвосита тартибга солиш;
- табиий монополия шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш хукукларини бериш учун рақобат механизмларидан фойдаланиш.

2. Табиий монополиялар соҳаларида рақобат сиёсатини институционал жиҳатдан тъъминлашни такомиллаштириш учун қуйидаги тадбирларни таклиф этиш мумкин:

- антимонопол орган фаолиятида мажбурий – жазолашга қараганда, химоя – огохлантириш чоралари устувор даражада қўлланиши зарур;
- маслаҳатлар, семинарлар, тренинглар ва кенг ижтимоий реклама воситасида антимонопол қонунчилик масалалари бўйича ишビルармон доиралар ва ахоли заводхонлигини ошириш лозим.

3. Ўзбекистонда антимонопол сиёсат ҳуқукий мухитини таҳлил қилиш антимонопол қонунчиликни такомиллаштириш бўйича қуйидаги тавсияларни бериш имконини яратди:

- конун меъёрлари ва улар ўртасидаги зиддиятларга бархам бериш, уларнинг амалий йўналтирилганлик ва уйгунлашув даражаларини опириши максадида антимонопол конунчиликни қайта кўриб чикиш, унинг республика конунчилигининг бошка бўлимлари билан мувофиқлигига эришиш;

- конунчиликка харидорларнинг етакчилик ҳолатини ҳамда бундан ёмон мақсадларда фойдаланиш учун масъулият чоралари белгиланишини киритиши;

- рақобат сиёсати асосий тамойилини ўзгартириш – монополист-корхоналар фаолиятини қаттиқ тартибга солишдан уларнинг антирақобат феъл-автори учун жазолашга ўтиш.

4. Энергия манбалари нархининг тўсатдан ўсиши инфляция спиралини навбатдаги бўғинга кўтариши ва тармоқ молиявий ахволини ёмонлаштириши мумкин. Шу сабабли макроиктисодий барқарорлаштириш, миллий иктисодиёт барқарорлигини кучайтириш, тўловга кобил талабни ошириш бўйича тегишли ислохотлар зарур.

5. Истеъмолчиларга электр энергиясини самарали узатишни таъминлаш учун куйидагиларни амалга ошириш лозим:

- магистрал ва тақсимланган тармоқларнинг мукобил конфигурациясини шакллантириш;

- электр энергиясини узатиш тармоқларнинг ишончлилигини доимий назоратга олиш ва улар бўйича самарали электрон бошкарув тизимини яратиш;

- электр энергиясини узатувчи схемалар мослашувчанлигини ошириши, кўшимча кувват узатилиши ва йўқотилишини камайтириш.

6. Истеъмолчиларнинг тўловга лаёкатли кисмини кўпайтириш мақсадида куйидаги тадбирларни ишлаб чикиш зарур деб хисоблаймиз:

- истеъмолчиларнинг электр энергиясига бўлган доимий ва ўзгарувчан талаблари мониторингини жорий этиш;

- истеъмол килинаётган электр энергияси микдорининг ўсиб бориш динамикасини рагбатлантирувчи нарх ва тариф сеткалари ишлаб чикиш;

- истеъмолчилар томонидан электр энергияси учун тўловларни олдиндан тўлаб кўйишини рагбатлантирувчи механизмни ишлаб чикиш;

- тўловга лаёкатли истеъмолчиларни узлускиз электр энергияси билан таъминлашни кўшимча линияларини жорий этиш.

7. Республика электр энергетика тизимини ислоҳ қилиш ва бошқарища замонавий менежмент усулларини қўллаш орқали куйидаги тадбирларни амалга ошириш талаб этилади:

a) ташкилий жиҳатдан:

- энергетика тармоқларини монополиядан чиқаришни секин-аста амалга ошириш, давлат томонидан тартибга солиш даражасини пасайтириш, электр энергияни сотиш, хўжалик субъектларининг электр узатиш йўналишига тенг кириш имкониятлари ва шароитларини таъминлаш;

- «Ўзбекэнерго» ДАК ижро аппарати таркибидаги бир бирига яқин бўлган бўлим ва штатларни кисқартириш;

- компания ташкилий-бошқарув тузилмаси таркибидаги айрим корхоналарнинг вазифаларини ихчамлаштириш ва улар фаолиятини қайта кўриб чикиш;

- бизнеснинг табиий монопол турлари (электр энергияси транспорти ва диспетчерлиги)ни бозор механизмларидан фойдаланиш мумкин бўлган турлари (генерациялаш ва сотиш)дан ажратиш;

- компания билан электр энергияси ишлаб чиқарувчи, сотувчи корхоналар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ва бошқарув жараёнини такомиллаштириш;

- истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб беришнинг узлуксиз ва кафолатли йўлларини доимий такомиллаштириб бориши;

- электр энергиясини сотувчи ва истеъмолчилар ўртасида тўлов жараёнларини яхшилашда самарали ташкилий механизмларни кўллаш.

б) ҳукуқий жиҳатдан:

- компания таркибидаги хизмат кўрсатувчи ва электр энергиясини сотувчи корхоналар ўртасидаги ҳукукий муносабатларни енгиллаштириш;

- электр энергиясини сотувчи ва турли хил кўринишдаги истеъмолчилар ўртасида ҳукукий муносабатларни аниқлаштириш ва ҳукукий ҳужжатларни такомиллаштириш;

- тўловга лаёқатсиз истеъмолчиларни мақсадли ижтимоий ҳимоялашнинг замонавий ҳукукий тизимини ишлаб чиқиши;

- электр энергияси бўйича сақланиб қолаётган қарздорлик холатларини камайтириш бўйича ҳукукий муносабатларни такомиллаштириш.

в) иқтисодий жиҳатдан:

- компания ташкилий-бошқарув тузилмаси таркибидаги айrim корхоналарнинг мулка эгалик қилиш муносабатларини такомиллаштириш;

- компания билан электр энергияси ишлаб чиқарувчи ва сотувчи корхоналар ўртасидаги бошқарув харажатларини камайтириш йўлларини ишлаб чиқиши;

- электр энергетика корхоналарини акционерлаштириш ва ривожлантириш жараёнларига хорижий инвестицияларни кенг жалб этиши;

- электр энергиясини ишлаб чиқариш, транспортировкалаш ва сотиш бўйича хўжалик алоқалари ҳамда бошқарув тизимига бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиши;

- ракобат бозорида электр энергияси учун нарх белгилашнинг бозор механизмларига мос тартиб - қоидаларини яратиши;

- электр энергияси тизимидағи мавжуд дебиторлик қарзларини устав фонди қўйматига кўшиб, хусусийлаштириш ишларини босқичма-босқич амалга ошириш;

- электр энергиясини сотишда самарали экспорт сиёсатини секин – аста эркинлаштириб бориши;

- электр энергиясини ишлаб чиқарувчи ва узатувчи корхоналарнинг асосий фондларини янгилаш орқали «табиий йўқотилиш» микдорини камайтириш йўлларини ишлаб чиқиши;

- электр энергиясини сотувчи ва истеъмолчилар ўртасидаги тўлов муносабатларининг иқтисодий манфаатдорлигининг самарали механизмини яратиши.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИЛМИЙ ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Саидов М.С., Нуримбетов Р.И., Маманазаров О.Ш., Бердиева Д.А. Демонополизация в условиях рыночной экономики: сравнительный анализ зарубежного и национального опыта // «Иктисолиётни модернизациялаш ва ислоҳ этиш – барқарор ўсишли таъминлашнинг бош йўли». Республика илмий-амалий анжумани маърузалар тезислари. - Тошкент, ТДИУ, 2005. -Б. 64-65.
2. Саидов М.С. Нуримбетов Р.И., Маманазаров О.Ш. Взаимосвязь естественных монополий и конкуренции в системе рыночных отношений // «Девятнадцатые международные Плехановские чтения» Тезисы докладов. Часть-2. - Москва, 2006. -Б. 94-95.
3. Саидов М.С., Исамухамедова Ш.А. Табиий монополиянинг ахамияти ва уни бошқаришнинг жаҳон тажрибаси // «Архитектура - курилиш фани ва давр». Илмий ишлар тўплами. 2-кисм. - Ташкент, ТАҚИ, 2006. -Б. 92-94.
4. Зайнутдинов Ш.Н., Саидов М.С. Иктисолиётни модернизациялашда табиий монополия корхоналарини давлат томонидан бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари // Ўзбекистон иктисолиётини эркинлаштириш тамоилилари ва истиқболлари. Республика илмий-амалий конференцияси маъруза тезислари материаллари. - Тошкент, ТМИ, 2006. -Б. 113-114.
5. Нуримбетов Р.И., Саидов М.С. Замонавий менежмент усулларидан фойдаланиш // Ж. «Жамият ва бошқарув» - Тошкент, 2006. -№ 3. -Б. 33-34.
6. Саидов М.С. Табиий монополиялар: тартибга солиш эҳтиёжи //Ж. «Жамият ва бошқарув» - Тошкент, 2007. -№ 1. -Б. 106-107.
7. Саидов М.С. Табиий монополиялар соҳаларини бошқариш ва тартибга солиш усуллари //Ж. «Иктисолиёт ва таълим» - Тошкент, 2007. -№ 1.-Б.158-160.
8. Саидов М.С. Регулирование деятельности естественных монополий Узбекистане //Ж. «Экономика и финансы» - Москва, 2007. -№ 10. -Б. 56-57.
9. Саидов М.С. Табиий монополиялар соҳаларини бошқаришнинг ташкилий-иктисолий механизми //Ж. «Иктисолиёт ва таълим» - Тошкент, 2007. -№ 4. -Б. 14-18.
10. Саидов М.С. Табиий монополиялар соҳасидаги хатарлар ва уларни бошқариш масалалари //Ж. «Ўзбекистон кишилук хўжалиги» - Тошкент, 2008. -№ 2. -Б. 26.
11. Саидов М.С. Самародорликни оширишнинг хориж тажрибаси //Ж. «Жамият ва бошқарув» - Тошкент, 2008. -№ 1. -Б. 118-120.
12. Саидов М.С. Электр энергетика соҳасида бошқаришнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш //Ж. «Ўзбекистон кишилук хўжалиги» - Тошкент, 2008. -№ 5. -Б. 36.
13. Саидов М.С. Электр энергетика тизими ракобатбардошлигини оширища инновацион ёндашувнинг ўрни // «Инновацион жаёёнларни бошқариш: тажриба, муаммо ва истиқболлари». Республика илмий – амалий анжумани маърузалари тезислар тўплами. – Тошкент, ТДГУ, 2008. -Б. 133-134.
14. Саидов М.С., Маманазаров О.Ш. Миллий иктисолиётни ривожлантиришда электр энергетика тизимининг ўрни // «Ўзбекистон иктисолиёти: эришилган ютуклар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари». Республика илмий – амалий анжумани маърузалар тўплами. - Тошкент, ТДИУ, 2008. -Б. 85-87.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Сайдов Машъял Самадовичнинг 08.00.13 – «Менежмент ва маркетинг» ихтинослиги бўйича «Табиий монополиялар соҳаларида менежментнинг замонавий усулларини жорий этиш масалалари («Ўзбекэнерго» ДАК мисолида)» мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: рақобат, монополия, табиий монополия, электр-энергетика, антимонопол сиёсат, монополия вазияти, табиий монополияларни тартибга солиш, монополиядан чиқариш, табиий монополиялар менежменти.

Тадқиқот обьекти: «Ўзбекэнерго» ДАКнинг хўжалик юритиши фаолияти ва унинг бошқарув тизими.

Ишнинг мақсади: табиий монополиялар соҳаларида замонавий менежмент методологиясини тадқиқ этиш, соҳада замонавий менежмент усулларидан фойдаланиши, стратегик ривожлантиришни ва унинг иқтисодий самараадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методлари: тадқиқот жараённида киёсий ва иқтисодий таҳлил, иқтисодий - математик, статистик гурухлаш, иқтисодий таққослаш каби усуллардан кенг фойдаланилган.

Олингани натижалар ва уларнинг янгилиги: табиий монополияларни бошқариш ва уларни тартибга солиш тўғрисидаги илмий ёндашувлар ўрганилган, «табиий монополия» тушунчасига муаллиф таърифи берилган; табиий монополиялар келиб чиқиши ва хусусиятларига кўра, назарий жиҳатдан соф ва легал (конуний) туркумларга ажратилган; электр энергетикаси соҳасида табиий монополияларни иқтисодий хусусиятлари ўрганилган, уларни бошқаришни тартибга солиш зарурлиги илмий жиҳатдан асосланган; табиий монополиялар соҳаларида технологик жараёнлар ва молиявий хатарлар илмий - амалий жиҳатдан асосланган; республика электр энергетикаси тизимини бошқарища замонавий менежмент усулларини жорий этиш орқали уни ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилган.

Амалий аҳамияти: тадқиқот натижалари ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш, рақобатни ва тадбиркорликни кўллаб - кувватлаш давлат қўмитаси ва «Ўзбекэнерго» ДАК бошқаруви фаолиятини тақомиллаштиришга доир амалий тадбирлар ишлаб чиқишга, молиявий-хўжалик фаолиятини яхшилашга ёрдам беради.

Татбиқ этиши даражаси ва иқтисодий самараадорлиги: диссертацияда ишлаб чиқилган асосий таклиф ва тавсиялар Тошкент давлат техника университети томонидан ўкув жараёнларида, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни кўллаб - кувватлаш давлат қўмитаси хузуридаги Монополияга қарши сиёсатни тақомиллаштириш Маркази, «Ўзбекэнерго» ДАК томонидан амалиётта жорий этиш учун қабул қилинган.

Кўлланиш соҳаси: тадқиқот натижаларидан табиий монополиялар соҳаларида, хусусан, электр энергетика тизимини бошқариш ва тартибга солиш жараёнларида фойдаланиш мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Сайдова Мацхъала Самадовича на тему: «Внедрение задач методов современного менеджмента в сфере естественной монополии (на примере ГАК «Узбекэнерго»)» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.13 – «Менеджмент и маркетинг»

Ключевые слова: конкуренция, монополия, естественная монополия, электроэнергетика, антимонопольная политика, монополистическое обстоятельство, контролирование естественной монополии, выход из монополии, менеджмент естественной монополии.

Объекты исследования: система управления ГАК «Узбекэнерго» и ее хозяйственная деятельность.

Цель работы: исследование методологических основ современного менеджмента в деятельности естественной монополий, использование современных методов, стратегическое развитие и разработка предложений и рекомендаций направленные на повышение экономической эффективности.

Методы исследования: в ходе исследования были широко использованы методы сравнительного и экономического анализа, статистической группировки, экономическое сравнение, экономико-математические и другие методы.

Полученные результаты и их новизна: управление естественными монополиями и их регулирование обоснованы на основе научных подходов, автором дано определение понятию «естественная монополия»; определены возникновение естественных монополий и с теоретической точки зрения и с учетом их особенностей разделены на чистые и легальные группы; изучены теоретические аспекты экономические особенности естественных монополий в сфере электроэнергетики; обоснованы технологические процессы и финансовые риски в сфере естественной монополии с научной и практической стороны, даны четкие рекомендации по совершенствованию управления; разработаны предложения и рекомендации по развитию стратегий современного менеджмента в сфере республиканской системы электроэнергетики.

Практическая значимость: Результаты исследования и рекомендации могут быть использованы в совершенствовании деятельности управления, улучшение и разработки мероприятий хозяйственной деятельности финансовой сферы Комитетом поддержки конкуренции и развитию предпринимательства, а также ГАК «Узбекэнерго».

Степень внедрения и экономическая эффективность: основные предложения и рекомендации разработанные в диссертации принятые для внедрения в учебных процессах Ташкентского Государственного технического университета, центром по развитию антимонопольной политики при Государственном Комитете по поддержке конкуренции и развитии предпринимательства, ГАК «Узбекэнерго».

Область применения: можно использовать в процессе урегулирования и управления естественной монополии, в частности в сфере электроэнергетики.

RESUME

Thesis of Saidov Mashal Samadovich on the scientific digree competition of the doctor of philosophy in economics on speciality 08.00.13 – «Management and marketing» subject «Integration of tasks of methods of contemporary management in natural monopolies»

Key words: competition, monopoly, natural monopoly, electric energy, antimonopoly policy, monopoly situation, the regulation of natural monopolies, getting out of monopoly, natural monopoly management.

Subjects of research: as a research object «Uzbekenergo» company's working field and management system was taken.

Purpose of work: to reveal the modern management features in natural monopolies field; by using modern management methods create support and recommendations in strategic development and grows in economic potential.

Methods of research: theoretical discussion, comparative and economic analysis, economic-mathematic, statistic groupings, comparative methods and others are widely used.

The results obtained and their novelty: control of natural monopolies and their regulations were learned, the definition was given to the term «natural monopoly» by the author; natural monopolies by their origin and features, theoretical side is divided to net and legal groups; signs of natural monopoly of electric energy which gives economical features was learned, their need to be regulated was scientifically proved; technological process and financial pit falls in natural monopoly field were theoretically and practically argumented, and recommendations were made for efficiently control them; by using modern management methods in republic electric energy system, the development strategy was worked up.

Practical value: research results and recommendations can be used by the Republic of Uzbekistan's demonopolization, and support of competition and entrepreneurship Committee and to improve management of «Uzbekenergo» and help to analyze its performance.

Degree of embed and economic effictivity: main recommendations and suggestions in dissertation can be embed by Tashkent State Technical University, to the Republic of Uzbekistan's demonopolization, and support of competition and entrepreneurship government committee, and to the «Uzbekenergo» company for practical usage.

Field of application: in the fields of natural monopoly, in particular management of electric energy and its regulation maybe of use.

Тадқиқотчи



